



ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ БЎЙИЧА БЎШ ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИ ХОДИМЛАР ТАРКИБИГА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Мудирлар

Тиббий профилактика факультетига қарашли "Анатомия ва клиник анатомия" кафедраси

Тиббий профилактика факультетига қарашли "Микробиология, вирусология ва иммунология" кафедраси

Тиббий профилактика факультетига қарашли "Гематология, трансфузиология ва лаборатория иши" кафедраси

Тиббий профилактика факультетига қарашли "Атроф-муҳит гигиенаси" кафедраси

Тиббий профилактика факультетига қарашли "Болалар, ўсмирлар ва овқатланиш гигиенаси" кафедраси

Даволаш факультетига қарашли "1-сон факультет ва госпитал терапия" кафедраси

Даволаш факультетига қарашли "2-сон болалар касалликлари" кафедраси

Даволаш факультетига қарашли "Урология" кафедраси

Даволаш факультетига қарашли "2-сон ички касалликлар" кафедраси

Хужжатларни қабул қилиш эълон қилинган кундан бошлаб бир ой муддатда ректоратнинг девонхона бўлимига топширилади. Манзилимиз: Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-уй.

Даволаш факультетига қарашли "2-сон акушерлик ва гинекология" кафедраси

Малака ошириш факультетига қарашли "УАШ қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш" кафедраси

Катта ўқитувчи

Малака ошириш факультетига қарашли "УАШ қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш" кафедраси

Ассистентлар

Даволаш факультетига қарашли "1-сон факультет ва госпитал терапия" кафедраси

Тиббий профилактика факультетига қарашли "Тиббий ва биологик кимё" кафедраси

Тиббий профилактика факультетига қарашли "Микробиология, вирусология ва иммунология" кафедраси

Малака ошириш факультетига қарашли "УАШ қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш" кафедраси

Тошкент Тиббиёт академияси ректорати ва касаба уюшмаси даволаш факультети қошидаги Хирургик касалликлар кафедраси мудирли профессор Октябр Руҳиллаевич Тешаевга акалари **Юнус Руҳиллаевич ТЕШАЕВ**нинг вафоти этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент Тиббиёт академияси ректорати ва касаба уюшмаси Академик лицей директори Анваржон Раҳмонкулович Шермуратовга амакиси **Маматқул Қўлдошев**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент Тиббиёт академияси ректорати ва касаба уюшмаси даволаш факультети қошидаги офтальмология кафедраси доценти Саодат Ҳамидуллаевна Назировага оталари доцент **Ҳамидулла Карабаевич ХОДЖИМУХАМЕДОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент Тиббиёт академияси ректорати ва касаба уюшмаси даволаш факультетининг 1-сонли факультет ва госпитал терапия кафедраси жамоаси кафедра профессори **Суръат Насриддинович БОБОЖОНОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

MUASSIS:
**TOSHKENT
TIBBIYOT
AKADEMIYASI**

MUHARRIR:
**TURDIQUL
BOBOMURATOV**

TAHRIR HAYATI:
Q.Nizomov (Bosh muharrir o'rinbosari),
O.Hazratov, A.Zohidiy, S.Mavlyanov,
D.Norgulov, L.Abdugodirova, D.Xudoyqulov

Gazeta Pentium-IV
kompyuterida sahilalandi va Toshkent
Tibbiyot akademiyasi RISOGRAFida
400 nusxada chop etildi.
Manzilimiz:
Toshkent shahri, Farobiy
ko'chasi, 2-uy
Nashr uchun ma'sul
Q. Nizomov

Gazeta Toshkent Matbuot va axborot
boshqarmasida 2007 yil 15 yanvarda
02-0049 raqam bilan ro'yxatga olingan

Mualliflar fikri tahririyat nuqati nazaridan farqlanishi
mumkin. Maqolalardagi ma'lumotlar uchun
mualliflar javobgardir
Бепул тарқатилади

Қарор ва ижро

АЛЛЕРГОЛОГИК МУАММОЛАРНИНГ ЕЧИМИНИ ТОПИШ ДАВР ТАЛАБИ

Мамлакатимизда аҳолининг соғлиғини сақлаш ва мустаҳкамлаш соҳасига алоҳида эътибор қаратилиб, мазкур тизим фаолиятини такомиллаштиришга доир бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинмоқда.

Жорий йилнинг 11 майда Президентимизнинг "Аллергик касалликларни профилактика қилиш, уларга ташхис қўйиш ва даволашни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори юртимизда ихтисослаштирилган алергологик ёрдам кўрсатишни такомиллаштириш, алергик касалликларга ташхис қўйиш ва уларни даволашда илғор услубларни жорий этиш, шунингдек, соҳада фаолият кўрсатувчи тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини ҳамда кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш билан боғлиқ барча масалани комплекс тарзда ҳал этишига кўра жуда аҳамиятлидир.

Сўнги даврга келиб, алергик хасталиклар билан касалланиш кўрсаткичи бутун дунёда ҳалокатли равишда ошиб бормоқда. Бу касалликлар қаторига бронхиял астма, анафилаксия, дори ва озиқ-овқат алергияси, алергик ринит, ҳашаротлар захри алергияси, Квинке шиши каби хасталикларни кўрсатиб ўтиш мумкин.

Шу ўринда сўнги 10-20 йиллик-

да алергиянинг учраш даражасининг ёшариши ва уни болаларда оғир кечиши алергологиянинг жиддий муаммоси бўлиб келаётганини айтиш жоиз. Республика-мизнинг кўпгина вилоятларида алергик беморларга махсус тиббий ёрдам кўрсатилмайди. Алергик касаллик ҳисобланган нозологияларни пульмонолог, отоларинголог, дерматолог каби тор мутахассислар даволашмоқда. Бу баъзи ҳолатларда ноадекват терапия ва оғир асоратлар, хусусан бронхиял астманинг оғир поғоналарига олиб келмоқда, ачинарлиси эса ижтимоий жиҳатдан болалар ва ёш, навқирон аҳолимизнинг ногиронлигига сабабчи бўлмоқда. Чунки, асосан шифокорлар касалликларга ўз соҳасига ёндашган ҳолда, алергияга эса призма ортидан боққан мисоли даволайдилар, яъни алергия полиорган характерга эга, улар эса маълум аъзони даволашади. Масалан, алергик ринит, конъюнктивит ва астма биргаликда кечеди, улар эса турли аъзоларни зарарланишидир.

Давоми 2-бетда.

БИЗ СОҒЛОМ ЮРТ ФАРЗАНДЛАРИМИЗ

Тошкент Тиббиёт академиясининг "Шифокор" спорт мажмуасида "Биз соғлом юрт фарзандларимиз!" шиори остида спорт байрами ташкил этилди.



Тадбир "Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили" Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижроси ҳамда академияда фаолият кўрсатаётган профессор-ўқитувчилар, ходимлар, талаба-ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб этиш мақсадида ўтказилди.


Спорт мажмуасига кириш йўлларига мустақиллик йилларида юртимизда, шу жумладан, Тошкент Тиббиёт академиясининг эришган ютуқлари, "Соғлом турмуш тарзи!" тарғиботига оид баннерлар ўрнатилган.

Кўтаринки кайфиятда ўтган тадбир доирасида апрель ойи давомида талаба-ёшлар ўртасида спортнинг мини-футбол, стол тенниси, шахмат, волейбол турлари бўйича Тошкент Тиббиёт академияси ректор кубоги ва талабалар турар жойлари дирекцияси кубоги мусобақаларида фаол иштирок этган ва олий ўринни эгаллаган жамоалар Тошкент тиббиёт академияси ректорининг фахрий ёрлиғи ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Давоми 7-бетда.



Ҳаётни кузатиб, одамларнинг турмуши, тақдири, хатти-ҳаракати, феъл-атворини кўриб ибрат олиш, хулоса чиқариш керак.



АЛЛЕРГОЛОГИК МУАММОЛАРНИНГ ЕЧИМИНИ ТОПИШ ДАВР ТАЛАБИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Лекин, шунга қарамай ривожланган давлатларда ҳам аллергик касалликлар бор беморларга биринчи ёрдам бериш сифати нотўлиқ ва талаб даражасига жавоб бераётгани йўқ. Аллергиянинг тарқалиши яшин тезлигида кенгайиб бормоқда, уни соғлиқни сақлашнинг бир катта муаммоси сифатида қараш лозим. ЖССТ статистикасига биноан, аллергик ринит билан касалланганлар сони юз миллионлаб инсонларни, астма билан хасталанганлар эса 300 миллионни ташкил этади. Республикада ҳам касалланиш кўрсаткичи ниҳоятда баланд, болалар орасида бронхит астма билан касалланиш геометрик прогрессияда ошиб бормоқда. Ушбу касалликларни стандартларга мос равишда аллергик беморларга ёрдам кўрсатиш аллергологлар вазифасидир. Ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатилмаслиги касалланиши ҳамда ўлим сонининг орттишига олиб келади. Масалан, ЖССТ экспертлари хулосасига кўра, ҳар йили дори аллергиясидан 150.000 киши вафот этади. Аллергик хасталиклар учун клиник ёрдам кўрсатиш хизмати деярли мавжуд эмас, юқорида кўрсатилган беморлар, диагностика ва даво мақсадида бошқа альтернатив тиббий мутахассисларга мурожаат қилишади.

Олий таълим тизимида ташкилий-структур ўзгаришлари ва “Кадрлар тайёрлаш” Миллий дастури талабларига мос равишда замонавий аллергологиянинг юқорида кўрсатилган оғриқли нуқталарига амалиёт шифокорлари ўрни билан баҳо бериш лозим. Ҳозирги кунда соғлиқни сақлаш тизимига аллергология соҳасида илмга эга бўлган шифокорлар зарур. Шуни айтиб ўтиш лозимки, бу нафақат даволовчи соҳадаги шифокорлар, балки стоматолог ҳамда гигиенистларга ҳам тааллуқлидир. Афсуски, ҳозирги кунда “клиник аллергология” курси учун келган даволаш ҳамда тиббий-педагогика факультети талабалари, баъзилари деярли билимсиз келмоқдалар. Стоматология факультетида эса бу курс ўқитилмайди. Олий маълумотли тиббиёт ходимини тайёрлашда профилактика соҳасига керакли даражада катта эътибор қаратиш лозим. Бу эса санитар-гигиеник соҳада таълим олувчи талабаларга экологик аллергология фанидан дарс олиши лозимлигини кўрсатади. Урбанизация ва аллергик касалликлар сонини ошишининг олдини олиш гигиеник муаммоларни барча даражада, яъни, оила, мактаб, ишхона, атроф-муҳит ва бошқаларда ҳал этилишига боғлиқ. Шунда аллергик хасталанишлар тарқалишини камайишига, стабилизациясига эришилади. Аҳолини соғломлаштиришда адекват профилактик тадбирларни ишлаб чиқиш соғлиқни сақлашнинг асосий вазифаси ҳисобланади. Жойларда аллерголог мутахассислар билан етарлича таъминлаш, бакалаврият даражасида аллергология курси ўтилишини долзарблигини кўрсатади.

Олий таълим тизимига махсус аллергология-иммунология фанини тиббиёт олийгоҳларининг барча факультетлари (камида 70 соат) киритилиши лозим (даволаш, стоматология, тиббий-педагогика, тиббий-профилактика), чунки келгусида етук мутахассис-шифокорлар ўз фаолиятида аллергик хасталикларнинг ривожланиш патогенезини мукамал билиши ҳамда даволай олиши лозим. “Аллергология-иммунология”ни фан сифатида ҳозирги кундаги аҳоли ниҳоятда ачинарли, боиси бакалавр айти кунда бор-йўғи 26 соат амалий машғулот ва 4 соат маъруза тинглайдилар. Демак даволаш ва тиббий-педагогика факультетларида бор-йўғи 30 соат дарс ўтилади. Ваҳоланки, хориз стандартларида тиббий олийгоҳ талабалари аллергология клиник иммунология кафедраларида 70 соатли цикл дарсларини ўқийдилар. Ҳарбий тиббиёт факультетида 2017/18 ўқув йилидан клиник аллергология фани олиб ташлан-

ди. Тиббий-профилактика ва стоматология факультетларида эса клиник аллергология фани мутлақо ўқитилмайди.

Аллергология-иммунология ихтисослиги бўйича мутахассислар тайёрловчи клиник ординатурага сўнгги 3 йил давомида 3 та ўрин ажратилган (Республика миқёсида ягона бўлган базада).

Юқоридагилардан хулоса қилган ҳолда клиник аллергология фанини ўқитиш тизимини буткул қайта кўриб чиқиш лозим. Президентимиз томонидан имзоланган қарорда кўрсатилганидек олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда олий тиббиёт таълим мусасаларидаги ўқув дастурлари ва юктамаларини танқидий ўрганиш асосида:

Тошкент Тиббиёт академияси ва Тошкент Педиатрия тиббиёт институтларида аллергология ва клиник иммунология кафедрасини ташкил этиш;

2018-2019 ўқув йилидан клиник ординатурага қабул қилиш квотасини кўпайтириш;

2019-2020 ўқув йилидан аллергология ва клиник иммунология мутахассислиги бўйича магистратура йўналишларини очиш;

Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида аллергологларни малакасини ошириш ўқув дастурларини такомиллаштириш;

Аллергик касалликларга ташхис қўйиш ва даволаш учун зарур бўлган дори воситалари ва тиббиёт буюмларини яратиш ва ишлаб чиқиш соҳасидаги замонавий ютуқларни ҳисобга олган ҳолда фармацевтика тармоғи учун кадрларни тайёрлашнинг ўқув дастурларини такомиллаштириш чораларини кўриш тавсия этилади.

Ҳозирги кунда Республика миқёсида фаолият олиб бораётган шифокор-аллергологлар сони бармоқ билан санарли ҳолатда. Айрим вилоятларда эса бутун вилоят бўйича шифокор аллергологлар сони 2-3 тадан ортмайди. Шундай экан беморлар мутахассис аллергологларга учрашиш ва биргина маслаҳат олиш учун вилоят марказига ёки Тошкент шаҳрига Республика илмий ихтисослашган аллергология марказига мажбуран келишади. Афсуски беморлар хасталикни ўтказиб юборган оғир ҳолатларда келадилар.

Шу ўринда баъзи маълумотларга назар ташласак: ҳозирги вақтда бирламчи звенога 85% беморлар, аллерголог мутахассисларига эса 15% беморлар мурожаат қилишади. РИИАМ маълумотларига кўра 60% ҳолатларда бронхит астма касаллиги бирламчи звенода ўтказиб юборилади. Беморларга базис терапия 5% ҳоллардагина кўрсатилади. Кеч ташхис қўйилиши, нораціонал даволаш, иккиламчи профилактиканинг ўтказилмаслиги натижасида Ўзбекистон Хитой ва Россиядан кейин астма касаллиги бўйича ўлим кўрсаткичи 3-ўринни эгаллайди. Энг ачинарлиси шундаки бу касалликлар асосан 5-35 ёшдаги аҳоли тоифасида оғир кечмоқда. Маълумки, бу ёш оралиғи энг меҳнатга лаёқатли даврни ҳамда келажак авлод захирасини ташкил этади.

Кўрсатиб ўтилган далил ва рақамлардан кўриниб турибдики, Президентимиз томонидан имзоланган қарор ҳозирги кундаги энг долзарб муаммо – аллергик хасталикларни профилактика қилиш, уларга ташхис қўйиш ва даволашни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирларига қаратилганлиги бежиз эмас. Зеро, XXI аср аллергия асрида Республикада аҳолисини соғломлаштиришга ҳамда аср вабоси бўлган аллергик хасталикларнинг барҳам топишига ўз муносиб ҳиссамизни қўйиш ҳар бир тиббиёт ходими учун ҳам қарз, ҳам фарзидир.

И.РАЗИКОВА,

Республика илмий ихтисослашган аллергология маркази директори, профессор

БИЗ СОҒЛОМ ЮРТ ФАРЗАНДЛАРИМИЗ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

“Биз соғлом юрт фарзандларимиз!” шиори остида спорт байрамини Тошкент Тиббиёт академияси ректори Л.Туйчиев очиб бериб, соғлом турмуш тарзи ва спортни кенг тарғиб этишда фаол иштирок этаётган жамоаларга ташаккур изҳор этди ҳамда спорт мусобақаларида уларга муваффақият ёр бўлишини тиларди.

Тадбирда даволаш, тиббий педагогика, тиббий профилактика-биология, Врачлар малакасини ошириш, ҳарбий, олий маълумотли ҳамшира факультетлари, магистратура босқичи, Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи бошланғич ташкилоти, Тошкент Тиббиёт академияси қошидаги академик лицей, академиянинг I, II, III клиника ходимлари

ва ёшлардан иборат жамоалар аъзолари бор маҳоратларини намоён этишди.

Ушбу спорт байрамида профессор-ўқитувчилар, талабалар ва ходимлар оилалари ўртасида эстафетали югуриш, арқон тортиш, тош кўтариш баҳслари ҳамда шейпинг мусобақалари ўтказилди.

Тадбирда жарчилар чиқиши, Тошкент Тиббиёт академияси талабалари ўртасидаги “Талабалик баҳори – 2018” кўрик-танлови ғолибларининг концерт дастури намойиш этилди. “Болажонлар” концерт гуруҳи ва спорт турлари бўйича кўргазмалари чиқишлар,



Ж.Қурбонов ва М.Абдуллаевлар ижроларидаги куй-қўшиқлар барчага манзур бўлди.

Тадбирда фаол иштирок этган жамоалар Тошкент Тиббиёт академияси ректорининг дипломи ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Қутбиддин НИЗОМОВ,
Дўстмурод ХУДАЙҚУЛОВ


ЯКУНИЙ ДАВЛАТ АТТЕСТАЦИЯСИГА ТАЙЁРГАРЛИК

Яқинда ТТАнинг 2017-2018 ўқув йилининг 6-курс даволаш ва тиббий педагогика факультетларининг битирувчи талабалари билан якуний Давлат аттестация комиссия раиси ва аъзолари билан учрашув ташкил этилди.

Учрашувни ТТА ректори Л.Н.Туйчиев очиб бердилар ва комиссия раиси т.ф.д. проф. Мавлянов Искандар Раҳимовични талабаларга таништирди. И.Р.Мавлянов ЯДА ўтказиш низоми ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан таклиф этилган қарорлар билан таништирди. Сўнгра, ЯДА имтиҳонига раис ёрдамчиси т.ф.д. Нуриллаева Н.М. талабаларга ЯДА ўтказишнинг кетма-кетлиги ва тартиби билан таништириб ўтдилар. Талабалар ўзларини қизиқтирган саволлари бўйича керакли маълумотларга эга бўлди.

Шунингдек, ТТАнинг 2017-2018 ўқув йилининг 6-курс вилоятлардан келган битирувчи талабалари билан туман соғлиқни сақлаш мутасадди иш берувчи раҳбарлари билан биргаликда тақсимот учрашуви ҳам бўлиб ўтди.

Ҳозирги кунга келиб ТТА даволаш факультетида 275 нафар талаба таҳсил олмоқда. ТТАнинг 2017-2018 ўқув йилининг 6-курс даволаш ва тиббий педагогика факультетларининг битирувчи талабалари учун якуний Давлат аттестация саволлари ва тестлари тарқатилган бўлиб, барча кафедраларда дарсдан сўнг қўшимча консультация кун ва соатлари ташкил этилган. Талабаларда туғилган саволлар бўйича кафедра профессор-ўқитувчилар томонидан муҳокама қилиниб борилмоқда. Бундан ташқари ҳозирги ўтилаётган фанлар бўйича кафедрада қўшимча дарсдан ташқари ЯДА имтиҳон саволлари ва тестлари муҳокама қилиб борилиши ташкиллаштирилган.



ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ТАЪМИНЛАШДА E-LEARNING АҲАМИЯТИ

Таълим, шу жумладан олий таълим – бу инсонни тарбиялаш ва ўзгартириш жараёни бўлиб, аввал унда бўлмаган фазилат ва хусусиятни сингдиришдир.

Олий профессионал таълимнинг асосий вазифаси нафақат маълум бир йўналишда ўз усул ва ишланмаларини қўлайдиган, балки ўз билим ва кўникмалари билан рақобатбардош бозор иқтисодиёти шароитида ҳам фаолият юрита оладиган мутахассисни шакллантириш.

Олий таълимнинг сифати олий таълимни битирганларнинг ишга жойлашганлиги, уларнинг ютуқ ва эришган мавқелари билан баҳоланади.

Юқори сифатли таълим - бу: Таълим дастурларининг давлат таълим стандартлари ва иш берувчиларнинг талабларига жавоб бериши;

Таълим сифатининг томонлар талабини қондириши (талабалар, иш берувчилар ва ҳк.); Педагогларнинг ўз ишдан қониқиши;

Жамиятга ижобий таъсири, аҳолининг умумий маданияти ва саводхонлик даражасининг ортиши. Охириги вақтларда тиббий таълим тизимида шундай ўзгаришлар бўлаётгани, улар бу тизимнинг сифат жиҳатидан мутлақо бошқа поғонага ўтаётганлигидан далолат беради.

Олий тиббиёт мактаби – янги юқори технологиялар, янги ўқув дастурлари, электрон ўқитиш воситалари ва давлат таълим стандартларини амалга ошириш учун барча шароитлар мавжуд бўлган маскандир.

Олий тиббий таълим тизими битирувчиларга назарий ва клиник билим, малака ва кўникмаларнинг интеграциясини бериши, замонавий тиббий технологияларни эгаллашни ўргатиши, мутахассис сифатида ижтимоий адаптацияга мойил бўлишни ўргатиши лозим. Бу масалаларни ҳал этиш замон талабларига тўлиқ жавоб берувчи малакали кадрларни тайёрлашда ёрдам беради.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг сифат босқичида мамлакатимизда ахборот коммуникация технологияларини жорий этиш, таълим тизимида хорижий ўқув марказларининг янги педагогик технологияларининг ижобий таъбирларини жалб этиш ва улардан амалда фойдаланиш таълим соҳасидаги муҳим вазифалардан биридир.

2017 йил 20 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2909-сонли қарорини имзолади.

Қарор олий таълим тизимини тубдан тақомиллаштириш, мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасидаги устувор вазифаларга мос ҳолда, кадрлар тайёрлашнинг маъно-мазмунини тубдан қайта кўриб чиқиш, халқаро стандартлар даражасида олий малакали мутахассислар тайёрлаш учун зарур шароитлар яратиш мақсадида қабул қилинган.

Қарорда белгиланган вазифаларнинг самарали ечимини тўлиқ таъминлаш мақсадида Олий таълим тизимини 2017-2021 йилларга мўлжалланган комплекс ривожлантириш дастури тасдиқланди.

Олий таълим ривожланишининг замонавий тенденциялари унинг сифатига юқори талабларни қўймоқда. Ушбу талабларга жавоб бериш учун ОТИМ замонавий технологиялардан ўқиб жараёнида кенг фойдаланиши лозим.

Дарс жараёнида жаҳон талабларига жавоб берувчи информацион-коммуникатив ва ахборот технологияларининг қўлланилиши миллий ри-

вожланишининг устувор йўналишига айланмоқда. Ўзбекистон ҳукумати мамлакатни жаҳон ахборот кўламида интеграциясига эришиш учун кенг кўламли ишларни олиб бормоқда.

ОТИМлар учун "Электрон таълим" ягона корпоратив компьютер тармогининг барпо этилганлиги янги қўлайликларни келтириб чиқарди. Вазирлик қошида таълим муассасаларига электрон таълимни жорий қилиш Маркази ташкил этилди. Рақамли кутубхона ташкил қилиш орқали умумий ресурс базаси ташкил қилинди ва у тизимли равишда дарсликлар, методик қўлланмалар, мультимедияли курслар ва бошқа материаллар билан доимий тўлдириб борилади. Буларнинг бари таълим тизимида масофавий ўқитишни жорий қилишга ҳам имкон яратади.

Бугун ахборот технологиялари олий таълим муассасаларидаги ўқув жараёнининг асосий қисмидир. Ахборот-коммуникатив технологиялар воситасида ўқув жараёнини олиб бориш интерактивлиги, мобиллиги, ўқув жараёнининг интенсификацияси билан фарқ қилади. Шунинг учун замонавий педагог ахборот технологияларни қўллаш кўникмаларига эга бўлиши лозим.

Қуйидаги инновацион ахборот-коммуникатив педагогик технологиялар мавжуд: аралаш ўқитиш, электрон воситалар, масофавий ўқитиш шакллари, кейс-технологиялар, ТВ-технологиялар, тармоқ технологиялари, шунингдек мобил педагогик дастурли воситалар, мобил дарсликлар ва ҳ.к.

Таълимда *e-learning* ни ривожлантириш зарурияти таълим соҳасида бутун дунё миқёсидаги тенденцияларга асосланган. Бу соҳада хорижий ОТИМда *e-learning* қўлланилишининг ижобий таъбирларини эътиборга олиш лозим.

E-learning маъноси жиҳатидан кенг термин бўлиб, ахборот технологияларини қўллаш орқали билим олиш маъносини англатади.

АҚШда 200 дан ортиқ университетлар ва мингдан ортиқ коллежлар масофавий таълимни тақриф қилишади, бугунги кунда тингловчиларнинг сони 3 млн га тенг.

Ҳаммаси бўлиб дунё миқёсида 100млн. дан ортиқ инсонлар электрон таълим олади ва кўпчилик аналитикларнинг фикрича бу сектор янада ривожланиши мумкин.

E-learning нинг устунлиги шундан иборатки, *on-line* тизимида ўқиш эски ўқув дастурлари асосида ўқишдан кўра вақтни тежашга ёрдам беради.

Ҳозирги замон талабларидан бири бу талабаларнинг мустақил таълимини кучайтириш. *E-learning* мустақил таълим олишни рўйбга чиқаришга кўмаклашади ва профессионал раҳбарлиги остида касбий маҳоратларни доимо ривожлантиришга ёрдам беради. Таълим олувчи нафақат таълим хизматининг истеъмолчиси, балки таълим жараёнининг субъекти бўлиши керак. Буни амалга оширишда *e-learning* нинг ўрни катта.

Бугунги кунда дунё миқёсида электрон таълим ва тармоқ ресурсларидан фойдаланишга қизиқиш ортиб бормоқда, буни бир қатор таълим проектлари, тадқиқот университетлари тармоғи ташкил қилиниши, ОТИМларда абитуриентлар учун интернет орқали маслаҳатларнинг ташкил этилиши мисолида кўришимиз мумкин. Масалан, *Promethean Planet* номли халқаро *online* ҳамкорлиги интерактив доскани ишлатувчи педагогларга интерактив дарсларнинг ресурсларини юклаб олиш ва таж-

риба алмашиши, янги усуллар билан танишиш ва интерактив досканинг янги имкониятларини билиши имкониятини яратади.

Бу каби порталлар, платформалар ва *on-line* уюшмаларнинг устунлиги шундаки, тақдим этилган материаллар доимо янгиланиб боради ва ўз долзарблигини йўқотмайди.

Сўнги вақтларда жуда кўп янги АКТ пайдо бўлди. Улар нафақат таълим муҳитини ўзгартирди, балки барча инсонларга умрлари давомида ўқиш, билимлар билан алмашиш ва янги билимларни ҳосил қилиш имкониятини беради. Шу билан бирга таълим жараёнининг етакчи инструментларини шакллантиришга ҳам ёрдам беради.

Шундай янгиликлардан баъзиларини кўриб чиқамиз:

"Ўқув платформаси" термини (рақамли таълим муҳити) кўпинча рақамли муҳитнинг хизматлари ва инструментларини таърифлаш учун ишлатилади, уларга мисоллар: ўқув жараёнини бошқариш (*learning management system – LMS*), виртуал ўқув муҳити (*virtual learning environment – VLE*), курсларни бошқариш тизими (*course management system – CMS*) ва ўқув контентини бошқариш тизими (*learning content management system – LCMS*). Бу тизимлар ўқув жараёнини бошқариш ва уни тўлдириб боришни назорат қилишади. "Ўқув платформаси" термини шунингдек шахсий ўқув муҳитини белгилаш учун ҳам қўлланилади (*personal learning environment – PLE*), яъни талабалар ўқув жараёнини мустақил бошқаришларига имкон яратади. Энг кўп тарқалган шакллари *Moodle*, *SAKAI* ва *OLAT* платформаларини мисол келтириш мумкин.

АКТни таълим соҳасида қўллашнинг бир қатор афзалликлари ва қўллашдаги челловлар мавжуд. Авваламбор ахборот-коммуникатив технологияларнинг афзалликларини кўриб чиқамиз:

АКТнинг таълим муҳитини ташкил қилувчи матнли, рақамли ва график ахборотлар билан ишлаш учун катта имкониятларни мавжуд. Коммуникатив технологиялар ва Интернет тармоғи билан бирга улар оламшумул таълим муҳитини ташкил қилишади.

Ахборот-коммуникацион технологиялар мавзуга оид материалларни кўрсатиш воситаси, ўқув жараёнига бевосита интеграция қилинган ва талабаларнинг мустақил таълими, ўз ўзини назорат қилиш учун ишлатиладиган махсус дидактик дастурлар сифатида қўлланилиши мумкин.

Ахборот-коммуникацион технологияларни тарбиявий ишларни олиб боришда ҳам қўллаш мумкин. Ўрганилаётган мавзу доирасида ахборот-коммуникацион технологиялар ёрдамида муаммонинг турли аспектиларини кўрсатиш, талабаларнинг диққатини жалб қилиш, шу орқали таълим олувчилар шахсининг шаклланишига мақсадли таъсир қилиш мумкин.

Б.Т.ХАЛМАТОВА,
профессор

19 БАҲОРИНГ МУБОРАК, ОЛИЙ ҲАМШИРА!

Олий ҳамширалик иши – фан ва тиббиёт соҳасидаги йўналиш бўлиб, у инсон фаолиятини ўрганишга тааллуқли бўлган янги илмий билим, услуб ва усуллар орқали аҳоли соғлигини сақлаш ва мустаҳкамлаш, бемор парвариши, давоси, профилактикаси ва реабилитациясига қаратилган методлар ва воситалар мажмуини қамраб олади.

Дарҳақиқат айтиш мумкин-ки, ҳамширалик иши – бу "ташкilotчилик, амалий ва илмий тайёргарликни" талаб қилувчи санъатдир! Бу касб жуда машаққатли бўлишига қарамай, жуда шарафли ҳамдир!

12 май – Халқаро ҳамширалар куни муносабати билан олий маълумотли ҳамшира факультетининг Ҳамширалик иши кафедраси ходимлари ташаббуси билан Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкilotининг бу йилги 12 май халқаро ҳамширалар кунини "Саломатлик – инсон ҳуқуқи, уни таъминлашда ҳамшираларнинг ўрни ва истиқболли" дея номланган рункига бағишлаб, А.Ҳидоятлов номидаги драма театрида катта тадбир ўтказди.

*Инсонга илм даркор, дунёда фанлар бисёр
Аммо, ҳамширалик фани, лол қолдирар ҳаммани
Ҳамшира сўзи ҳақида, турли-туман фикр бор.
Бу сеҳрли ва сирли, сўз тағида ҳикмат бор.*

Кириш сўзи билан тадбирни ОМҲ факультетини битириб, бугунги кунда Сирдарё вилояти Янгиер тиббиёт коллежида ўқитувчилик фаолиятини олиб бораётган, собиқ фахрий талабами Ёрқан Фойибназаров ва факультетимизнинг 2-курс иқтидорли талабаси Нодира Қурбонова олиб бордилар. Уларнинг бири биридан қолишмайдиган даражада маъноли шеър ўқишларини, сўзларининг маъносини алоҳида эътироф билан даврада ўтирганлар олқишлаб бордилар.

Тадбирни Тошкент Тиббиёт академиясининг илмий ишлари бўйича проректори Ф.Л.Азизова очиб берди ва олий ҳамширалик иши таълим йўналишининг фаолиятига 19 йил тўлганлиги муносабати билан олий маълумотли ҳамшира факультетининг истиқболига ҳисса қўшган профессор-ўқитувчилар жамоасини ташаккурнома ва Тошкент Тиббиёт академияси Касаба уюшмаси томонидан совғалар билан тақдирлади.

Тадбир бадий кечаси Ҳамширалик иши кафедраси мудири профессор И.С. Разикова табрик сўзидан сўнг бошланди. Бунда бошловчилар томонидан ҳамширалик иши касбининг мазмун моҳияти очиб берилди. Буларнинг исботи тариқасида саҳнада тарихий мусиқа янграб, 18 аср гавдаланди. Камбағалликдан, санитар аҳволи ёмонлашган, турли-туман юқумли касалликлардан вафот этган беморлар, аҳолининг табақаланиш ҳисобига азият чекаётган халқ талабалар томонидан театрлаштирилган ҳолда кўрсатилди. Саҳнада роҳибалар пайдо бўлиб, халқга беминнат хизмат кўрсатаётгани театрлаштирилган ҳолда номоён бўлди. Шу пайт залда бутун чироқ ўчиб, атрофни зулмат қоплади ва фонограммада ҳамширалик касбининг асосчиси Флоренс Найтингейлга эътироф берилди ва у фонус кўтариб саҳна томон чиқиб келди. Ундан сўнг Вержиния Хендерсон, Дорити Оремлар ҳам чиқиб саҳнага кўрк берди. Ушбу чиқиш бутун томошабинларни илҳомлантириб юборди.

Бу саҳна кўринишидан кейин олий маълумотли ҳамшира факультетининг иқтидорли талабалари саҳнага чиқиб

келдилар ва ҳамширалик касбини ўз шеърларида тараннум этдилар. Бу чиқиш охирида бу факультетни битириб, бугунги кунда жамиятда ўз ўрнини топган собиқ талабаларнинг расмини презентация қилганда ҳамма талабалар ўрниларидан туриб олқишлашди.

Ушбу тадбирда Ўзбекистон ҳамширалар ассоциацияси раиси Усманова Гулнара Маҳаммаджановна ўз вакиллари билан қатнашиб, олий маълумотли ҳамшира факультетининг кўпгина талабаларини тақдирлаб, табриклади. Шундан сўнг факультет декани Ш.Ҳ.Бакиева сўзга чиқиб, талабаларни табриклади ва бир гуруҳ фаол талабаларни фахрий ёрликлар билан тақдирлади.

Тақдирлашлардан сўнг ОМҲ факультетининг 1-курс



талабалари томонидан катта концерт дастури намойиш этилди. Маъмуржон Узоқовнинг "Ўртар" кўшиғига хиром айлаган рақс ҳаммининг диққатини ўзига тортди. Концерт дастурида намойиш этилган рақсларга профессионал тарзда ёндошилгани учун ўзгача чиқди. Томошабинлар айниқса "Мустаҳзод", "Қоқир қоқирда" номли хоразм рақсларида ўрниларидан туриб, бирга ижро этдилар.

**Қалбингиз ҳамиша қувончга тўлсин,
Шодлик, бахт доимо ҳамроҳингиз бўлсин,
Ҳар бир кунингизга Оллоҳ файз берсин,
Бугунги айёмингиз муборак бўлсин!**

дея бошловчилар концертга якун берди. Шу куни А.Ҳидоятлов номли драма театри жамоаси "Атиргуллар қисмати" номли спектаклини томошабинларга байрам тўхфаси сифатида намойиш қилди.

Д.АЛИКУЛОВА,


Ҳамширалик иши кафедраси катта ўқитувчиси



**Ўйладингми, шукринг бисёр ё талабинг,
Гар талабинг, сен ўз виждонинг
таладинг.**



**Тўрт нарса ҳамма учун керак:
саломатлик, гўзал хулқ, ростгўйлик ва
ҳалол меҳнат.**



Энг яхши хизмат – элга хизмат!

САМАРҚАНДА “САЛОМАТЛИК КУНЛАРИ”

Янги даврнинг ҳар бир дақиқасида ислоҳотлар амалга оширилиб келинмоқда. Хусусан, соғлиқни сақлаш соҳасида охириги йилларда жуда кўп қонун ҳужжатлари чиқдики, буларнинг барчаси, аввало, аҳолининг саломатлигини мустаҳкамлашга қаратилгандир.

Шахсан Юртбошимиз томонидан соҳа ривожига алоҳида аҳамият қаратилиб келинаётгани барчамизга яхши маълум. Буни соғлиқни сақлаш тизимидаги соҳа ходимлари билан бир йилда бир неча маротаба учрашиб, мавжуд камчиликларни ўртага ташлагани мисолидан ҳам айтиш мумкин.

Юртбошимиз йиғилишлар давомида пойтахтда тажрибали шифокорлар кўплиги, уларнинг салоҳиятидан ҳудудларда тиббий хизмат сифатини оширишда фойдаланиш зарурлигини бот-бот таъкидлаб ўтдилар. Хусусан, йиғилишларда аҳоли саломатлигини асраш, ҳудудларда тиббий хизмат сифатини, қишлоқ жойларда аҳолига тақдим этилаётган тиббий ёрдам ҳажмини яхшилаш, аҳолига кўрсатилаётган биринчи, тез, шошилинч ва ихтисослашган тиббий ёрдам ҳаммабололиги, тезкорлиги даражасини ошириш, ахборот технологиялари (телемедицина), даволашнинг клиник протоколларини кенг жорий этиш, хорижий ҳамда маҳаллий мутахассисларнинг илгор тажрибаларини ҳудудий тиббиёт муассасалари тиббиёт ходимларига етказиш вазифалари ўртага ташланган эди.

Шунга кўра, пойтахтда фаолият юритаётган кўпгина тажрибали шифокорлар ҳудудлардаги тиббий хизмат сифатини янада яхшилаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш мақсадида ихтиёрий равишда вилоятлардаги даволаш муассасаларига раҳбарлик қилиш учун юборилди.

Бир гуруҳ Тошкент Тиббиёт академияси профессорлари: Барно Холматова, Гули Шайхова, Мунира Аллаева ва Шаҳло Бакиевалар “Шифо-инфо” газетаси таҳрир хайъати аъзолари билан шу ташаббусни қўллаб-қувватлаган ҳолда вилоят аҳолиси билан юзма-юз учрашиб, уларнинг саломатлигини ўрганиш, бепул кўриқдан ўтказиб, тегишли тавсия ва маслаҳатлар бериш мақсадида Самарқанд шаҳрида 4-5 май кунлари бўлишди.

Самарқанд – тарих зарварларидан ўзининг ўчмас изини қолдирган, дунё тамаддунига муносиб ҳиссасини қўша олган кўҳна шаҳар. Бу қадим масканга кириб борар экансиз, сўлим ҳавоси, осмонлар миноралар-у қадимий обидалари кишига ажиб бир туйғу бахш этади.

Ўз фаолиятларини Биринчи Президентимиз Ислому Абдуганиевич Каримов хайкали пойига гул қўйишдан бошлашди. Бир дақиқа сукат сақлаб, таъзим бажо келтиришди. Сўнгра макбараларни зиёрат қилишди.

Шундан сўнгра Самарқанд вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи, мутасадди ташкилотлар ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирокида йиғилиш бўлиб ўтди.

Тадбирни очиб берган Самарқанд вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи Жўраев Азиз аҳоли саломатлигини сақлаш мақсадида ташкил этилаётган бундай тад-

бирларнинг аҳамияти ниҳоятда юқорилигини таъкидлаб ўтди. Жумладан, у: “Чекка ҳудудда истиқомат қилувчи фуқаро пойтахтга келиб, бирор мутахассисга учрашмоқчи бўлса, қанча вақт, маблағ ва қувват сарфлашига тўғри келади. Бахтимиз шуки, бугун вилоятимизга мамлакатимизнинг таниқли академик, профессорларнинг ўзлари ташриф буюриб, вилоят аҳолиси билан учрашувлар ўтказмоқда, бепул кўриқлар ташкил этишмоқда. Бугун бир бемор бир неча мутахассис билан маслаҳатлашиб, улардан зарур таъхирлар олиши мумкин. Барча тиббий муассасалар ҳамда оммавий ахборот воситаларининг кун мавзуси ана шу ташаббус ва унинг натижаларига қаратилган. Албатта, хизмат сизларники, аммо ютуғи бизники. Сабаби вилоят аҳолисининг саломатлигини бизнинг хизматларимиз қандай ташкил этилганлиги белгилаб беради. Бугунги ташаббус эса узоқ вақт давомида ўзининг ижобий натижасини беради, деган умиддамиз. Бундан ташқари, бу каби тадбирлар давомли бўлишини тилаб қоламиз”, – деди.

Шундан сўнгра профессорлар бирма-бир сўзга чиқиб, тадбирнинг аҳамияти, ундан кутилаётган натижалар тўғрисида батафсил сўзлаб беришди ва журналистларнинг саволларига жавоб беришди. Кейин эса белгиланган ташкилот ва тиббиёт муассасаларига йўл олинди.

Самарқанд вилояти ҳокимлиги залида ўтказилган режалаштирилган учрашув Сартепа 3-сон болалар мусика мактаби залида бўлиб ўтди. Бу ерда таҳрир хайъати аъзолари – тиббиёт фанлари доктори, профессор, гигиенист Гули Шайхова ва биология фанлари доктори, фармаколог Мунира Аллаева қизиқарли маърузаларни тақдирот тарзида намойиш этишди.

Аёл – оила шифокори. Шу боис у оила аъзоларининг саломатлиги учун жавобгар ҳисобланади. Жумладан, соғлом турмуш тарзига риоя этиш, тўғри овқатланиш ва унинг қонун-қоидаларига риоя қилиш, бетоб бўлганда эса асоратсиз даволаниш мақсадида дори-ларни ўз вақтида тўғри қабул қилиш муҳим аҳамиятга эга эканлиги кўпчиликка маълум. Шу боис ҳам 300 га яқин йиғилган аёллар мутахассислар маърузаларини диққат билан тинглашди, сўнгра улардан ўзларини қизиқтирган саволларига жавоб олишди.

Кейинги учрашув Самарқанд вилоят кўп тармоқли болалар шифохонасида ташкил этилди. Шифокорлар учун “Пневмонияни замонавий даволаш усуллари, болаларда антибактериал даво ўтказиш принциплари” мавзусида маҳорат дарси ўтказилди. Семинарда касалхонанинг барча педиатрлари иштирок этишди. Тақдиротдан сўнгра шифокорлар ўзларини қизиқтирган саволлар билан мувожабат этишди. Тиббиёт фанлари доктори, профессор Барно Холматова, педиатр уларнинг барча саволларига жавоб қайтарди.

Семинардан сўнгра касалхонанинг реанимация бўлимида даволанаётган 2 та бемор (1,5 ойлик чақалоқ; туғма гигант чов чурраси, аспирацион пневмония ташхиси билан; 2 ойлик бола: аспирацион пневмония ташхиси билан) ва кардиология бўлимидаги 3 та бемор (4 ойлик бола: туғма кардит, ҳомила ичи инфекцияси ташхиси билан; 8 ойлик бола: туғма юрак нуқсон билан; 6 ойлик бола: туғма юрак нуқсон билан) консультация қилинди ва керакли маслаҳатлар берди.

Вилоятдаги асосий муаммо туғма юрак нуқсон билан болаларнинг кўплиги (шу кунгача 3000 дан зиёд), уларнинг аксарияти хирургик муолажага муҳтож. Шунинг учун бугунги кунда кўп тармоқли вилоят касалхонасида кардиохирургия бўлими ишга туширилмоқда.

Профессор Барно Холматова оналар билан ҳам суҳбат ўтказди. Болаларни тўғри овқатлантириш, жисмоний ривожланишни мониторинг қилиш, профилактик амалларни ўз вақтида ўтказиш, яқин қариндошлар орасидаги никоҳга йўл қўймастик, болада касалликнинг илк белгилари пайдо бўлганда шифокорга мувожабат қилишлари кераклигини тушунтирди. Оналар педиатрдан ўзларини қизиқтирган бошқа кўплаб саволларга ҳам жавоб олишди.

Самарқанд вилоят кўп тармоқли шифохонасида тиббиёт фанлари доктори, оториноларинголог Шаҳло Бакиева иштирокида ҳам беморлар учун бепул кўриқ ташкил этилди. Шифохонага кириб боришда, эшик ёнида турган беморларлардан бири “Сиз “Шифо-инфо”дансиз-а?! Қизимнинг тиббий қоғозларини ҳам бир кўриб бера оласизми? Тошкентга боролмагандик. Мана ўзингиз келиб қолибсиз”, дея қўлидаги қоғозларни шифокорга узатди. Шифокор хонага кириб, беморни кўздан кечириб, зарур тавсиялар берди. Бемор қизчанинг кўзида ҳам ҳайрат, ҳам ҳаяжон яққол акс этиб турар эди.

Бу ерда ҳам беморлар узун навбат ҳосил қилишди. Шифокор кўриқдан бир-бир ўтиб, маслаҳатларини олиб, миннатдорлик билдиришди. Беморларнинг аксарияти ёши катта инсонлар бўлиб, асосий шикоятлари яхши эшитмаслик, сурункали отит, қулоқдан турли ажралмалар келиши экан. Шифокор ташхис қўйишдан аввал беморларни замонавий тиббиёт қурилмалари ёрдамида текшириб, шундан кейингина касалликка сабаб бўлувчи омиллар ва уни бартараф этиш тартиблари тўғрисида маълумот бериб ўтди.

Шундай қилиб, Самарқанд сафари қизиқарли ва мазмунли бўлди. Мухлислар билан юзма-юз учрашилди, уларнинг дарди, фикр-мулоҳазалари, энг асосийси, меҳри ва тафтири хис этилди.

Гули ШАЙХОВА,
профессор

ШТРИХИ К ЖИЗНИ

**научно-педагогической
и общественной деятельности доцента
Мargarиты Николаевны Бендингер**



Коллектив Ташкентской медицинской академии сердечно поздравляет доцента кафедры внутренних болезней № 1 Margarиту Николаевну со знаменательным юбилеем.

80 лет – это много или мало? Все уже сделано, или еще есть неиспользованные резервы.

Margarита Николаевна родилась в городе Ташкенте. Окончила Самаркандский медицинский институт с отличием в 1961 году. Свою трудовую деятельность начала врачом-терапевтом в Джизакской районной больнице. С 1969 по 1974 годы работала кардиологом в клинической больнице Министерства здравоохранения в отделение хирургии, возглавляемым академиком У. Ариповым и принимала активное участие в работах по пересадке тканей и органов. С 1974 года – ассистент кафедры госпитальной терапии Ташкентского государственного медицинского института (ныне Ташкентская медицинская академия), где продолжала научную работу под руководством академика М. Абдуллаходжаевой. Кандидатскую диссертацию успешно защитила в 1979 году. С 1983 года – доцент кафедры внутренних болезней ТашГосМИ, а затем Ташкентской медицинской академии.

Коллектив кафедры знает Margarиту Николаевну как многогранного, высоко эрудированного педагога, врача, научного сотрудника. Она всю свою жизнь посвящает ученикам, больным, коллегам. Была любящей и заботливой дочерью. Margarиту Николаевну всегда окружают друзья и соратники. Ее отличает необыкновенная работоспособность. Находясь в клинике с утра и до позднего вечера, она щедро делится своими знаниями, опытом и теплом с учениками, создавая на занятиях атмосферу взаимного уважения. Молодые врачи гордятся, что учились у нее.

Margarита Николаевна – прекрасный врач, готовый в любое время выслушать, осмотреть, помочь больному. Многие сотрудники академии обращаются к ней за помощью, когда болеют сами или их родственники.

Она постоянно работает над собой, повышает квалификацию в республике и за рубежом, участвует на конференциях, симпозиумах, съездах. Margarита Николаевна многие годы была секретарем проблемной комиссии по кардиологии. Впервые организовала и возглавляла магистратуру по «Семейной медицине».

Она ведет большую научную работу – опубликовала более 200 научных работ по различным разделам внутренних болезней. Подготовила целую плеяду студентов – победителей олимпиад и участников СНО.

Очень активно участвует в общественной жизни. Многие годы являлась старшим куратором лечебного факультета. Интересовала жизнью студентов в общежитии и была готова прийти к ним на помощь.

Margarита Николаевна имеет множество благодарностей, награждена знаком «Отличник здравоохранения», медалью «Ветеран труда» и орденом «Дустлик».

Мы все от души желаем вам здоровья, активной жизни и хорошего настроения!!!



9 МАЙ ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИ

Халқимизнинг кадр-қиммати, ор-номусини, миллий анъаналаримиз ва урф-одатларимизни ҳимоя қилишда, босқинчи ва ёвуз кучларга қарши машаққатли курашларда букилмас ирода ва жасорат намунасини амалда намойиш этиб, бугунги тинч ва осойишта кунлар учун жонини фидо қилган аждодларимизнинг муқаддас хотирасини ёд этиб, эзу ишларини давом эттириш – бизга тинчлик, омонлик керак, деб яшайдиган бағрикенг халқимизга хос азалий қадриятдир. Бутун дунёда миллионлаб инсонлар ҳалок бўлишига сабаб бўлган, мислсиз йўқотишлар, талафот ва мусибатлар олиб келган Иккинчи жаҳон уруши инсоният тарихидаги энг даҳшатли, энг қонли қиргин бўлганини ҳеч ким унутмайди. Ушбу бешафқат урушда қатнашган 1,5 миллиондан ортиқ ўзбекистонликларнинг ярим миллиондан зиёди ҳалок бўлганини халқимиз ҳеч қачон ёдидан чиқармайди” деб таъкидлади.

Раҳматилла Ҳикматович ва Тошкент вилояти фахрийлар кенгашининг раиси, полковник Аҳмедходжаев Зоҳиджон Турсунович ва бошқалар иштирок этди.

Республикаимиз Президентини Ш.Мирзиёевнинг Хотира ва қадрлаш куни ҳақида сўз юритиб, “Бутун дунёда миллионлаб инсонлар ҳалок бўлишига сабаб бўлган, мислсиз йўқотишлар, талафот ва мусибатлар олиб келган Иккинчи жаҳон уруши инсоният тарихидаги энг даҳшатли, энг қонли қиргин бўлганини ҳеч ким унутмайди. Ушбу бешафқат урушда қатнашган 1,5 миллиондан ортиқ ўзбекистонликларнинг ярим миллиондан зиёди ҳалок бўлганини халқимиз ҳеч қачон ёдидан чиқармайди” деб таъкидлади. Бу йил уруш туганганлиги 73 йил тўлди, бу урушда эришилган ғалаба нафақат жангчилар, балки фронт ортда меҳнат қилган минглаб инсонларнинг оғир меҳнати натижасидир.

Бугунги кунда дунёнинг турли бурчақларида уруш ва ҳарбий низолар ҳақида оммавий ахборот воситалари орқали ҳикоя қилинмоқда, биз давлатимизда ҳукм сураётган тинчликнинг қадрига этишимиз, унинг учун қурбон бўлган авлод-аждодларимизни ҳамиша ёдда тутишимиз зарур. Тадбир сўнгида уруш ва меҳнат фахрийларига байрам дастурхони ёзилди.

Л.МАҲМУДОВ,
ТТА Маънавият ва маърифат бўлими услубчиси



Бир донишманд шундай дейди: Сен то қувватинг бор экан, доимо ростгўйлик ва тўғрилиқ йўлини тут. Шунда сен саодат чаманидан муддао гулини терасан.



Ўн хислатни қўлдан бермаслик лозим: тўғрилиқ, ҳалоллик, инсоф, мулойимлик, қарияларга ҳурмат, кичикларга шафқат, қаноатли бўлиш, вафодорлик, ифғат ва адолат.

